



# БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАЗМУНИ

**Олимжонов Орифжон Олимжон угли**

*Тошкент ахборот технологиялари университети 3-курс талабаси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Шарқ алломаларининг тарбия ҳақидаги қарашлари, Ўзбекистон ОТМда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, ва илмий ва амалий ёндашувлар асосида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида ривожлантириладиган мањнавий-ахлоқий сифатларнинг мазмуни очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, ахборот технологиялари, ахборот маданияти мањнавият, мањнавий-ахлоқий сифатлар, ахборот саводхонлиги, касб маданияти.

**Аннотация.** В данной статье раскрывается содержание взглядов Восточных учёных и ученых в современности о духовно-нравственных качествах, которые развиваются у студентов на основе развития информационных технологий на образование и научно-практических подходов в Узбекистане **Ключевые слова:** информация, информационные технологии, информационная культура, духовность, духовно-нравственные качества, информационная грамотность, профессиональная культура.

**Annotation.** This article reveals the content of the spiritual and moral qualities that are developed in students on the basis of the development of information technology in Uzbekistan, the views of oriental scholars on education and scientific and practical approaches.

**Keywords:** information technology, spirituality, spiritual and moral qualities, information, information culture, information literacy, professional culture.

Дунё миқёсида таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг кучайиб бориши демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан бирга таълим тизимининг ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Юнесконинг «Ахборот ҳамма учун» дастури, Россия федерациясининг 2017-2030 йилларга мўлжалланган “Жамиятни ахборотлаштиришни ривожлантириш стратегияси” ҳам таълим тизимида ахборотлашган муҳитни такомиллаштиришга қаратилган. Жумладан, инновацион ва ахборот технологиялари иқтисодиёт, фан, ишлаб чиқариш ва таълимнинг долзарб педагогик муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган кадрларнинг ижтимоий, хуқуқий, техник билимларини шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда муҳим ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида юксак мањнавиятли, ижтимоий фаол мутахассисларни тайёрлашнинг креатив-модулли технологиялари амалиётга жорий этилмоқда. Таълим муаммолари бўйича Бутунжаон Форуми қабул қилган 2030 йилгача мўлжалланган концепциясидаги “...барча учун бутун ҳаёти давомида сифатли



таълим олишга имконият яратиш...”<sup>1</sup> вазифаси доирасида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда янги таълим технологиялари, инновациялар ва замонавий ташкилий тузилмаларнинг бирлигини таъминлаш бўйича лойиҳаларни татбиқ этишга йўналтирилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шартшароитларни тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ахборот – коммуникация технологияларини давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатишнинг борча соҳаларига жорий этишдек вазифа қўйилган бўлса, 2017 йил 27 декабрда Олий мажлисга қылган мурожаат номасида “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгиланишига қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта, чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга ва инновацияга таянган давлат ютади. Инновация, бу-келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бутундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” [1.] -деб таъкидлаган эдилар.

Жумладан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 март, ПҚ-5040-сонли карорида эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан—миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқарашиб ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш, қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш муҳим эканлигини таъкидлаганлар [2,17].

“Маънавият” (арабча “маънолар мажмуи”) тушунчаси “инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифодалайди”, у “ахлоқий ҳолат ва ахлоқий хусусиятлар”, “ижтимоий ҳодиса” ва “инсоннинг ички оламига тааллуқли бўлган яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари ҳамда хисстуйгуларидир”. Бу ёндашувларнинг барчаси маънавиятнинг педагогик хусусиятларини белгилаб олиш имконини беради. Унга кўра, маънавият шахс учун ахлоқ ва тарбия омили, унинг руҳий ва ақлий оламини шакллантиради, ижтимоий ҳодиса сифатида ахлоқини таркиб топтиради ҳамда ҳаётга йўналтиради. Чунки, давлатимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг

<sup>1</sup>Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitablequality education and lifelong learning for all [Word Education Forum, 19-22 may, 2015, Incheon, Republic of Korea].

муваффақияти кўп жиҳатдан замонавий кадрларнинг маданияти даражасига боғлиқдир. Шундай экан олий таълим муассасаларининг бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, таълим мазмунини янада чукурлаштиришда қудратли қуч сифатида катта таъсир кўрсатади.

Маънавий-ахлоқий сифатлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий фаолиятида муҳим жараёнларни ифодалайди. Бу борада Шарқ алломаларнинг қарашлари ҳозирги кунгача ўз мавқенини йўқотмаган. Жумладан, Буюк мутафаккир Алишер Навоий инсон фақат маънавияти туфайли бошқа жонзотлардан ажralиб туриши ва маънавият фақат инсонгага хослигини асослаб кўрсатган.[3; 83-856]

Мутафаккир олим Юсуф Хос Ҳожиб (1019-1088) “Қутадғу билиг” асарида маънавият тушунчасини ўзбекча “билиг” тушунчаси билан ифодалайди. Бу билим ва одоб мажмуасидир деган фикр билдирган.

Маърифатпарвар педагог Абдулла Авлоний (1876-1930) “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида дейди: “Бани одамда ахлоқ туғма бўлмайди, лекин унинг асоси бўлган туйгу инсон фитратида (табиатида) туғма мавжуд бўлади. Тарбия воситаси ана шу туйғулар ривожлантирилади шу тариқа ахлоқ юзага келади”- деган фикр юритган. Педагог боланинг туғма ва соғ туйғулари яхшиликка йўналтирилса яхши фазилатларни ўзлаштиради; аксинча, тарбия суст бўлса боланинг туйғулари ёмонлик хусусиятларини юқтиради ва унинг хулқатвори бузилади деган ғояларни илгари суради. [4; 946].

Мутафаккир Аҳмад Яссавий (1103-1166) эса “Девони ҳикмат” асарида дейди: “Бизга тарбия йўлини олиб келган Муҳаммад (САВ) араблардан эди, унинг тарбия йўли ахлоқлар мажмуасидан иборат”. Шу маънода маънавият ахлоқлар мажмуи сифатида намоён бўлади.

Абу Али ибн Сино (980 - 1038) “Донишнома” асарида фарзанд тарбияси учун зарур булган асосий тарбия йўналишларини асослаб берган. Ибн Синонинг бу ёндошуви Осиё таълими тизимида қабул қилинганлигини таъкидлаш жойиз. А.Ирисов, С. Раҳимов кабиларнинг тадқиқотларида Ибн Синонинг таълим – тарбия асосларига доир қарашлари тадқиқ этилган. Бугунги таълим –тарбия жараёнимизда Ибн Сино тавсиялари тўлиқ қабул қилинган.

Шунингдек, “Таълим тўғрисида”ги Конуннинг 3-моддасига биноан шахсни маънавиятли қилиб тарбиялашда қўйидагиларни асосий мақсад сифатида белгилаш мумкин:

- 1) маънавиятнинг инсонпарвар ва демократик характерда бўлиши;
- 2) маънавият таълим ва тарбия беришга асосланиши;
- 3) маънавият ишининг узлуксиз ва изчил амалга оширилиши;
- 4) маънавий-ахлоқийда билимли бўлиш ва истеъоддлиликни рағбатлантирилиши ва ҳ.к.

Маънавий-ахлоқий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг мезони, аввало, уларнинг эл-юрт турмушига ўтказадиган ҳаётбахш таъсири билан белгиланади. Ёшларнинг ҳаёт сўқмоқларида адашмасликларини таъминлаш, уларни шиддаткор замоннинг бўрону тўфонларидан ҳимоя қилиш лозим. Айниқса, диний

ақидапарастлик, мағкуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

“Ахборот” атамаси “ахбор” маълумотлар, кўп хабарлар деган маънони англатади. Бунда турли маълумотлар қайта ишланиб, айрим жиҳатларига тузатишлар киритилади. Ахборотларнинг ижтимоий борлиқда кечётган воқеа ҳодисалар, алоҳида шахс томонидан бажарилаётган иш, хатти-ҳаракат, фаолият тўғрисидаги маълумотларни етказиш, хабар беришдан иборатдир. Ахборотдан муҳим манба сифатида фойдаланилади ва унда кўникма ва малакалар эгалланади.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни ахборот технологиялари воситасида такомиллаштириш қўйидаги хусусиятларга эга:

ахборот умуминсоният бойлиги сифатида ривожланиб боради;

ахборотлар мазмунида у берайтган маълумотнинг кенглиги билан белгиланади;

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни ахборот технологиялари воситасида такомиллаштириш негизида инсоннинг моддий ва маънавий узвийлигини ривожлантиришда муҳим бўлган инновацион технологиялар, компьютер дастурлари, одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар асосий омил сифатида хизмат қиласди. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатлар турли қасб эгаларининг ижтимоий –иктисодий ҳаётини, унинг моддий турларини аниқлашга ёрдам бериши билан бирга шахснинг ички дунёсининг фаоллигини оширади. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни ахборот технологиялари воситасида такомиллаштиришда ахборотларни қабул қилиш, узатиш, сақлаш, фойдаланиш, уларни ўзлаштириш кабилар ҳар бир мутахассиснинг қасбий фаолиятида амалга ошади.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни ахборот технологиялари воситасида такомиллаштириш билан қасб фаолиятини такомиллаштириш, уни эгаллаш, тўлдириш ва қайта ишлашда янги билимлар банкини вужудга келтириш, уни узатиш ва улардан амалий жиҳатдан фойдаланиш кабиларни ўзида мужассам этади. Булар бевосита мутахассиснинг қасбий фаолияти билан боғлиқ бўлиб унда, амалга ошириладиган ишлар ахборот орқали бажарилиши ва унга муносабат билдириш, тўпланган материаллардан фойдаланиш, билим ва кўникмаларга эга бўлиш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда ахборот оқимларининг ривожланиши ҳар бир мутахассиснинг ўраб турган дунёни билишда, ижодий фаолияти, қасби ҳақидаги билимларни эгаллашда ижобий ва салбий фикрларга эга бўлишда, интеллектуал салоҳиятни оширишда, бўлажак бошлангич синф ўқитувчиси ҳаётининг қизиқарли ва мазмунли, жўшқин бўлишда, глобал муаммоларни ҳал этишда, унинг ижтимоий фаоллигини иктисодий, сиёсий ва маънавий йўналишларнинг узвийлигини ва натижаларини сифатли бўлишида, ишлаб чиқариш сифатини яхшилашда, қасб моҳиятини тушунишда, улардан самарали фойдаланишда қобилиятига эга бўлиш кўникмаларини ривожлантиради. Чунки, ахборотларни

излаш, таҳлил этиш, тўплаш ва технологияларни қўллаш кабилар фақатгина ўтмишни, тарихни, бугунни қамрабгина қолмай, балки келажак билан ҳам шуғулланувчи бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида муҳим жараён ҳисобланади. Яъни ушбу жараёнда бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг билим натижалари, ахлоқ-одоб ва ҳуқуқ қоидалари, қобилиятлари, малакалари, интеллектуал, эстетик ва ахлоқий даражалари, ўзаро мулоқоти, дунёкараши, ҳамкорлик алоқалари кучаяди. Ахборот маданияти ҳақида турли адабиётларда турли маълумотлар берилган. Кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича, ахборотнинг афзаллиги ўзаро алоқалар билан боғлиқдир. Илмий адабиётларда ахборот маданияти ҳақида турли таърифлар берилган. Н.Б.Зиноеванинг фикрича “Ахборот маданияти – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган материалларни ўзлаштириш асосида шахс ички дунёсининг баркамоллигидир”. И.Г.Хангельдиевнинг таъкидлашича “Ахборот маданияти – бу инсон ҳаёти ва фаолиятида ўзининг эгаллаган, узатган, сақлаган ва ахборотлардан фойдаланган умуминсоний, маънавий қадрияларни ўзида мужассам этган сифатли характеристка”. Ахборот маданиятини шакллантириш шуни кўрсатадики унда билимлар асосида инсонпарварлик ғоялари, шахс муносабатлари ривожланади. Жумладан, О.В.Киеванинг “Техника олий ўқув юртларида гуманитар фанларни ўқитиши жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ахборот маданиятини шакллантириш” [5.] мавзусидаги илмий тадқиқот ишида ушбу муаммонинг назарий асослари, тарихи, ахборотларни қайта ишлаш ва узатиш, ўқитиши жараёнида компьютер воситаларидан фойдаланиш, электрон методик қўлланмалар яратиш масалалари методик жиҳатдан ишлаб чиқилган. С.Н.Конюшенконинг “Узлуксиз касбий таълим тизимида ўқитувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўқитувчининг ахборот маданияти педагогик муаммо сифатида, унинг шарт шароитлари, лойиҳалаш технологияси кабилар ишлаб чиқилган. С.Н.Конюшенконинг [6.] фикрича ахборот маданиятини шакллантиришда қўйидаги икки блок асосий ўринни эгаллайди:

1. Назарий дунёкараш блоки. Бунда ахборот муҳити, ташқи дунёдаги объектив омилларни тушуниш, ишонтириш тамойиллари, шахсни шакллантириш каби назарий билимлар мажмуига эга бўлиш.

2. Амалий қўникма ва малакалар блоки. Бунда ахборот ҳодисалари ва жараёнларига таъсирчанлик билан муносабатда бўлиш, ахборотларни аниқлаш ва қайта иглаш операцияларини бажариш кабиларга этибор берилган. Унда ахборот мезони, мазмuni, шакли ва шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган. Ж. Хасанбоев, Х. Турақулов, М. Хайдаров, О. Хасанбоева, Н.Усмоновларнинг “Педагогика фанидан изоҳли лугат” китобида такидланишича “Ахборот – тайёрланган маълумотлардан бирор нарса (жараён, ҳодиса) тўғрисидаги аниқликни ошириш мақсадида фойдаланилса, у холда фойдаланган маълумотларга ахборот деб аталади.”- деб таъкидланади.[7; 672]. Шунингдек Ҳ.А.Сайдакбаров, Н.И.Тайлоқов, Д.Э.Тоштемиров, С.К.Турсунов, О.Х.Тўрақулов, Р.Р.Боқиев, Ж.Ф.Йўлдошев [8.] каби олимлар педагогик технология, компьютерлаштирилган ўқув жараёни, замонавий педагогик

таълимда ахборот технологияларини жорий этиш йўналишларида тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Адабиётларни ўрганиш ва тажрибаларини кузатишдан шу нарса маълум бўлдики, олий таълим муассасалари ўқув жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий тарбияланишида ахборот технологияларининг муҳим восита сифатида аҳамият касб этиши муаммоси бўйича илмий фикрлар билдирилган бўлсада маҳсус тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаган. Лекин, шуни айтиш керакки олий таълим муассасалари бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий тарбияни такомиллаштириш, илмий-методик жиҳатларини мукаммаллаштириш, ОТМда фанларни ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш кабилар бевосита таълим сифатини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Олимларнинг мазкур муаммони ёритишга бўлган турлича ёндашувларини таҳлил этиш натижасида шундай хulosага келдикки талабларни маънавий –ахлоқий тарбиялаш мазмунини такомиллаштириш муаммолари етарлича ишлаб чиқилмаган. Олий таълим тизимида уларни амалга ошириш йўллари такомил талаб. Талабларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш фақат маҳсус билимларнигина эмас, балки янгича фикрлашни, педагогик фаолиятда зарур бўладиган ўзига хос малака ва кўникмаларни ривожлантиради. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида маънавий –ахлоқий сифатларни шакллантириш олий таълимнинг глобал муаммоларини ҳам, шунингдек, ўқитиши жараёнини янгиликлар билан таъминлашда ва бошқаришда асосий манба ҳисобланади. Чунки ушбу жараёнда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий компетенция такомиллаштирилди ва бунинг учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий сифатларни шакллантириш тизимини такомиллаштиришга тўғри келади.

ОТМларнинг ўқув жараёнида таълимни амалга оширишда янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, айниқса эртанги кунимиз бунёдкорлари бўлган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касб маданиятининг таркибий қисми ҳисобланган маънавий-ахлоқий ва ижтимоий фаоллигини, ахборот саводхонлигини ошириш учун дастурлар, қўлланмалар яратиш, ахборот хизматларини медиа технологияларга оид, мажмуавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда профессор -ўқитувчиларнинг фаолиятини такомиллаштириш, жамият ҳаётидаги долзарб муаммолар, қонунларнинг мазмун –моҳиятини уларга тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу жараёнда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида изланиш, фанларга оид топшириқларни бажариш, фикр юритиш, мулоқотга киришиш, муаммоларни моҳирлик билан ҳал қилиш, маълумотлар тўплаш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш, назарий билимларни ошириш, замонавий билимларни эгаллаш каби хусусиятлар ривожланади. Чунки ахборотлар илм-фанни эгаллашда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ўзлигини англашга, тафаккур, ҳиссиёт ва дунё воқеаларини ўрганишга ёрдам беради. Ахборотлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий сифатларини тарбиялашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Турли йўналишдаги ахборотлар сўзсиз, фойдали ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида ахборотларни излаб топиш ва ундан унумли фойдаланиш яхши натижалар бериши табиийдир.

Ахборот ҳар бир бўлажак бошланғич синф ўқитувчисида ижтимоий онглиликнинг шаклланишида, нутқ маданияти ва луғат бойлигини ўстиришда, ҳаётда ўзига муносиб ўрин топишда, касбларни тўғри танлашда, дунёқараашнинг кенгайишида ва такомиллашувида яқиндан ёрдам беради. Демак, кўпроқ мустақил ахборотлар устида ишлаш йўли билан ютуқларни қўлга киритиш мумкин. Лекин ҳамма бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ҳам мустақил равишда дарс тайёрлайдилар, ахборотлар устида унумли ишлайдилар, деб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг ўкув йили давомида мунтазам мустақил ишлаши, ахборотларни ўрганиш асосида билим ва хунарни пухта эгаллаши маълум даражада билим тажрибасига эга бўлишида ўз самарасини беради. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ахборот олиш, катта ҳажмдаги ва кенг қамровли маълумотларни қайта ишлаш маданиятини ривожлантириш, уларни турли вазиятларда мақбул ҳатти ҳаракат қилиш малакасини ошириш билан бирга дастурлаштирилган таълим методларини амалга ошириши, мунозара, тренинглар, ролли ва ишбилармон ўйинларни ташкил этиш имкониятини яратади. Ахборотлар оқими амалий жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг деярли барча фаолият доираларида, ишларни амалга оширишда қўлланилади. Аммо кўпинча бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг амалий ишларида, фаолиятида турли ахборотлар намоён бўлади. Касб маданияти ҳар бир фаннинг турли жабҳаларида қўлланилади. Унинг методик усулларига ахборот маълумотларидаги хусусиятларни ўрганиш, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг аниқ йўл-йўриқлари киради. Касб маданиятини шакллантириш йўналишлари авваламбор ўкув жараёни талаблари асосида белгиланади. Ушбу талабларга мувофиқ усулларнинг маҳсус комплекси шаклланади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантириш жараёни таълим тарбия фаолиятида амалга оширилади ва унинг самарадорлиги турли баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, ахборотлар орқали таълим обьекти, таълимий тушунчалар қай даражада ўзлаштирилганлиги таҳлил этилади, бутун ўкув курсини, ўкув дастурларини ўзлаштириш даражаси баҳоланади. Ахборотлар ўкув-тарбия жараёнини яхшилашга хизмат қиласи, таълимий фаолият натижасида унинг самарадорлигини белгилаб беради, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга йўл очади. Пировард натижада ахборотлар таълимнинг такомиллашиб боришига ижобий таъсир қиласи. Олий таълим муассасаларининг ўкув-тарбия жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг қобиляти ва лаёқатларини ҳар тамонлама ривожлантиришга, улар шахсини шакллантиришга хизмат қиласи. Ахборотлар педагогик жараённинг маҳсулдорлиги, ўқитувчига бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини яхши билишига, таълим ва тарбиянинг хилма хил методларини қўллашга ёрдам беради. Ахборотлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг мулоқот жараёнида, улар хулқ атвори, ҳиссий-шахсий хусусиятларини таҳлил қилишда манба вазифасини бажаради.

Ахборотлар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг қарашлари, ижтимоий йўналишлари, дунёқараши, идрок этиш, ахборотни аниқлаш, мутолаа қилиш, ўзини тарбиялаш ва китоб ўқиш, бунёдкорлик,

яратувчанлик, билимдонлик, фаолик, тиришқоқлик, талабчанлик, онглилик, фидойилик, ирода, ахлоқ, меҳнатга муносабат, фаолят жараёнида ўзаро муносабат кабилар ривожланади. Ушбу жараёнда компьютерда меҳнат қилиш, изланиш, ўз нуқтаи-назари, қарашлари, манбаларни таҳлил этиш, реферат, матн тайёрлаш, карточкаларга ёзма жавоб бериш, турли жадваллар, тузиш кабилар амалга оширилади. Ўқув жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари фанларни тўлиқ ўзлаштиришлари билан бирга ахборотларни ўрганиш асосида ўз касбига қизиқишилари, қобилиятлари камол топади. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси шахсининг хусусиятлари, қизиқиши, ижодий фикрлаши, тасвури, диққати, хотираси ва тафаккури, техник билимларни аниқ ва мақсадга мувофиқ ҳолда ифода этиш, танланган касб ҳамда ўрганилаётган фанга нисбатан ахборотни тўплаш кабилар талаб этилади. Бунинг учун ўқув жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини янада фаол ва чуқурроқ равишда ўрганилаётган мавзуни тушунишда янги ахборотларни тайёрлаш, ва улардан фойдаланиш уларни муҳандислик фаолиятини эгаллашда муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни шаллантиришда компьютер технологиялари ва оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш ўқув жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодкорлик, маъсулиятлилик, фаоллик, мақсадни аниқ кўра билиш, амалга ошириладиган ишларни тўғри белгилаш, тўпланган маълумотлар мазмунини таҳлил этиш, касбга бўлган қизиқишига оид билим, кўнишка ва малакалар, меҳнат қилиш, муҳандисликка оид маълумотларни ўрганиш, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш аломатлари намоён бўлади. Бунда ўқитувчининг бош мақсади ҳар бир бўлажак бошланғич синф ўқитувчининг ахборот маданиятига бўлган эҳтиёжларини такомиллаштиришдан иборатdir.

Ўқитувчиларнинг касб маданиятига эга бўлиши бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси шахсида илмий-техникавий дунёқараш, маҳсус билимларни чукур ва пухта эгаллаш ва уларни амалиётга жорий этиш, ижодий вазифаларни бажариш, техник тафаккурга эга бўлиш кабиларни ривожланишига таъсир этади. Албатта бу ўринда ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари билим даражасини ошириш, уларнинг касбий маҳорати, илмий салоҳиятини мунтазам юксалтириш, ўқувтарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кабилар бевосита ўқитувчи ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касб маданиятини шакллантириш билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан ҳам:

- педагогик технологиялари асосида ўқув жараёнини юксак илмий-методик даражада таъминлаш учун зарур бўладиган касбий билим, кўнишка ва малакаларини мунтазам равишида янгилаш, ўқув ва дастурлари ва дарслклар орқали бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлиги ва маҳоратининг ривожлантиришни таъминлаш;

- “Таълимда ахборот технологиялари” фани йўналишида фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятини ташкил этиш;

- ўқув машғулотлари жараёнида ахборот маданиятини шакллантиришнинг



тушунчаларини, ғояларини, назарияларини, қонунятлари ва тамойилларини, тарихи ва тараққиёт босқичларини ўрганишда инновацион билимларга эга бўлиш ва илмий изланишлар олиб бориш;

- мустақил таълим жараёнида ўқув машғулотларини лойиҳалаш, режалаштириш ва уларни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси шахсига йўналтириш жараёнини ташкил этиш, амалга ошириш, бошқариш ва уларни педагогик фаолиятда қўллай олиш;

- ўқув машғулотларда педагогик технологиялари, ўқув жараёнини фаоллаштирувчи интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситалари кабиларни қўллаш ва улардан амалиётда самарали фойдаланиш;

- ривожланган давлатлардаги самарали тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига қўллаш компетенцияларига эга бўлиш кабиларни амалга ошириш долзарб муаммолардан хисобланади.

Ахборот- бу билим, тавсилот, ҳаёт. Ахборот -бу тараққиёт. Ахборот йўқ жойда билим йўқ. Ахборотлар бўлмаса яратувчанлик бўлмайди. Ахборотларни ўрганиш асосида ОТМларнинг бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида билим олишга иштиёқ туғилади. Ўқув жараёнида янгиланишлар рўй беради. Таълим тарбия жараёнидаги муаммолар камаяди. Буларнинг барчаси ахборот оқимиға боғлиқ бўлиб бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида таълим ва турмуш тарзига эътибор бериш, ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш, машғулотларнинг мазмунли ва қизиқарли бўлишига ёрдам беради. Албатта, бунда ҳар бир бўлажак бошланғич синф ўқитувчисидан кучли билим, катта тажриба, ташаббускорлик, изланиш ва маҳорат талаб этилади. Чунки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари олий таълим даргоҳида кечеётган воқеа ҳодисалар, уларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини идрок этиш орқали ўзига, ўз ҳаёти, дунёқарашига, мақсад-муддаоларига оид хулосалар чиқаради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки ёшларни ҳар томонлама маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу вазифалар миллий тарбиянинг асосий тамойиллари, миллий маданий ва маънавий қадриятлар, ҳалқ ва мамлакатимиз педагогикаси ютуқлари, миллий ватанпарварлик, миллий қадр-қиммат ва миллий ифтихор туйғуларини тарбиялаш биринчи галдаги вазифа бўлиши асосида амалга оширилмоғи лозим.

Олий таълим муассасалари бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ахборот маданиятини шакллантиришнинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилган. Унда жамият ҳаёти, шахснинг ижодий имкониятлари, ахлоқий, ақлий, ижодий куч ва қобилиятлари, унинг турмуш тарзида, ижтимоий – иқтисодий соҳаларини ривожлантиришдаги долзарблиги назарий жиҳатдан асосланган. Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг назарий дунёқарashi, ахборот муҳити, ташқи дунёдаги объектив омилларни тушуниш, ишонтириш тамойиллари, шахсни шакллантириш каби назарий билимлар, амалий кўнімка ва малакалар жараёнида ахборотларни аниқлаш ва қайта ишлаш операцияларини бажариш кабиларга эътибор берилган. Адабиётларни ўрганиш, таҳлил этиш ва тажрибаларга асосланган ҳолда унинг таърифи ишлаб чиқилган. Бевосита жамият тараққиётида инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти илмий назарий жиҳатдан асосланган.



**Фойдаланилган адабиётлар.**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси "Халқ сўзи" 2017 йил 27 декабрь.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. 2021 йил 26 март, ПҚ-5040-сон

3.Халиков А.А. Навоий асарларида идеал образларда одоб ва ахлоқ масалалари. //Халқ таълими. –Тошкент. –2008. –№ 3. –Б. 83-85.

4.Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004. – 94 б.

5.Киева О.В Формирование информационной культуры у студентов высших технических учебных заведений в процессе преподавания гуманитарных дисциплин. Брянск 2001,180.с.

6.С.М.Конюшенко Фармировование информационной культуры педагога по системе непрерывного профессионального образования. Ярглавъск 2005., 267 стр.

7.Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Хайдаров М., Ҳасанбоева О., Усмонов Н., Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т: Фан ва технология, 2009. – 672 б.

8.Сайдакбаров Ҳ.А. Ахборот технологиялари воситасида касб-хунар коллажлари ўқувчиларининг иқтисодий билимларини ривожлантириш. Пед.фан.ном.дисс.автореф.-Т.:2012.-246.

Тайлақов Н.И. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. –Т.: «Ўзбекистон», 2002. -152 б.

Тоштемиров Д.Э. Касб-хунар коллажларида информатика ўқитиш учун таълим порталини яратиш ва ундан фойдаланиш методикаси. Пед.фан.ном.дисс.автор.-Т.:2012.-246.

Турсунов С.К. Таълимда ахборот технологияларини яратиш йўллари ва муаммолари // Пятая Международная конференция Образование через всю жизнь: непрерывное образование устойчивого развития. –Том ИИ.-Санкт-Петербург –Ташкент, 2007.- 90-92.с

Тўрақулов О.Х. Бўлажак кичик мутахассислар ахборот маданиятининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари //«Замонавий педагогика фани ва таълимнинг инновацион технологиялари» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т: 2008. – 306-309.б

Боқиев Р.Р. Компьютерлаштирилган ўқув жараёнининг «Инсон машина» системаси сифатида айrim муаммолари // Педагогик таълим.–2000.-№ 1.Б.91-92

Ж .F Йўлдошев., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари: Қўлланма. —Т.: "Ўқитувчи", 2004.- 7-9 б.

